

*senior teacher Abdullaeva Nozima*

*senior teacher Feruza Mamurova*

*student Tojimurodov Nurbek*

*Namangan Civil Engineering Institute*

*Republic of Uzbekistan, Namangan city*

## **THE NEED TO APPLY MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION**

**Abstract:** *The article analyzes the value of information technologies in teaching students of higher educational institutions and their application. The role in the mental, moral, physical and psychological development of a student is given in the application of computer technologies, the network, the Internet and multimedia in education.*

**Key words:** *education, psychologist, ethicist, physical, psychological, information technology, continuous retraining.*

*старший преподаватель Абдуллаева Нозима*

*старший преподаватель Феруза Маъмурова*

*студент Тожимуродов Нурбек*

*Наманганский Инженерно-Строительный Институт*

*Республика Узбекистан, город Наманган*

## **НЕОБХОДИМОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ**

**Аннотация:** *В статье анализируется значение информационных технологий в обучении студентов высших учебных заведений и их применение. Дается роль в умственном, нравственном, физическом и психологическом развитии студента при применении компьютерных технологий, сети, интернета и мультимедии в образовании*

*Ключевые слова:* образование, психологик, этик, физическое, психологическое, информационные технологии, непрерывное переобразование.

*катта ўқитувчи Абдуллаева Нозима*

*катта ўқитувчи Феруза Маъмурова*

*талаба Тоғжигуродов Нурбек*

*Наманган мушандислик-қурилиш институти*

*Ўзбекистон Республикаси, Наманган шаҳри*

## **ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Аннотация:* Мақолада олий ўқув юртлари талабаларини ўқитишда ва уларни қўллашда ахборот технологияларининг аҳамияти таҳлил қилинган. Талабанинг таълимда ақлий, ахлоқий, жисмоний ва психологик жиҳатдан ривожланиш жараёнида компьютер технологиялари, тармоқ, интернет ва мультимедияни ўрни ўрганилган

*Калит сўзлар:* таълим–тарбия, ақлий, ахлоқий, жисмоний, психологик, ахборот технологиялари, узлуксиз малака ошириш

Мустақил давлатимизда ахборот-телекоммуникация технологияларининг жадал суратлар билан ривожланиб бориши глобал ахборот жамятида Ўзбекистон Республикаси ҳам муносиб ўрин эгаллашига катта таъсир кўрсатмоқда. Талаба ёшларга таълим–тарбия бериш, уларни ақлий, ахлоқий, жисмоний, психологик жиҳатдан ривожлантириш тизимини ҳал қилишни тақозо этмоқда. Шу ўринда халқ тизими ва олий таълим соҳасида олиб борилаётган бир қатор ишлар ва жорий қилинаётган янги йўналишларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бунга биз бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган таълим соҳасидаги замонавий талабларига жавоб бера оладиган дарсларни ташкил этиш, таълимни компьютерлаштириш, кенг маънода эса уни ахборотлаштириб, ўрганиш учун зарур ахборотни танлаш, уни таълим шаклига

солиш ҳамда бу ахборотни талабаларга ўрганиш, ўзлаштириш, тушуниш ва эслаб қолиш учун бериш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланиш, мутахассисларнинг умумий маълумоти ва касбий тайёргарлигининг сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига жавоб берувчи ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этишимиз муҳим аҳамият касб этади. Замонавий информацион технологиялар бу ахборот устида бажариш мумкин бўлган замонавий технологиялардир. Замонавий информацион технологиялар: компьютер технологиялари, тармоқлар, интернет, мультимедиялардир.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш таълимнинг мазмуни, шакллари ва усулларини ўзгаришига кучли таъсир кўрсатади. Бу ўзгаришларнинг натижаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Маълум фанлар тўплами бўйича билим кўникмалар олишни назарда тутувчи анъанавий ёндашув ўрнини таълимга интеграцион ёндашув эгалламоқда;
- Дунёни билиш анъанавий ўрганиш йўли билан эмас, балки унинг моделини тузиш орқали амалга оширилади.
- Шунчаки билим ва кўникма олиш эмас, балки билим ва кўникма олиш жараёнида талабанинг шахсини шакллантириш таълимнинг мақсадига айланади.
- Шахсга йўналтирилган ёндашув ўрнини талабага нисбатан индивидуал психологик ёндашув эгаллайди.
- Оммавий ахборот восталарида информацион технологияларни қуйидаги гуруҳлари мавжуд:
- Нашриётда замонавий информацион технологиялар.
- Радиода замонавий информацион технологиялар.
- Телевидениеда замонавий информацион технологиялар.

Интернет технологияларининг яратилиши турли манбалардан тез ва осон йўл билан ахборот олиш имкониятларини ҳамма учун оддий фуқаролардан тортиб йирик ташкилотларгача мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди.

Давлат муассасалари, фан-таълим муассасалари, тижорат корхоналари ва алоҳида шахслар ахборотни электрон шаклда яратиб сақлай бошладилар. Бу муҳит аввалги физикавий сақлашга нисбатан ката қулайликлар яратади: сақлаш жуда ихчам, узатиш эса бир зумда юз беради ва тармоқ орқали бой маълумотлар базаларига мурожаат қилиш имкониятлари жуда кенг. Ахборотлардан самарали фойдаланиш имкониятлари ахборот миқдорининг тез кўпайишига олиб келди. Бу албатта оммавий ахборот ва ҳамма билиши мумкин бўлган ахборот ҳақида гап боғанда ўта ижобий ҳол ҳисобланади.

Таълим жараёнида ахбороттехнологиясидан фойдаланиш суръати, даражаси ва самародорлиги бу технологиядан таълим жараёнида оқилона фойдаланишга ўқитувчиларнинг педогогик маҳорати ҳамда талабаларнинг компьютерни билишига, билим олиш, уни тушуниш, ўзлаштириш ва эслаб қолиш учун информатикадан фойдалана олиш интеллектуал имкониятларига боғлиқ бўлади.

Таълим тизимини қайта қуриш, энг аввало, таълим ходимларини, ўқитувчиларни “қайта қуриш”ни тақозо этади. Ахборот жамиятига ўтилиши билан талабалар фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этади. Ахборот жамиятининг асосий бойлиги – билимнинг аҳамияти, қиммати, унинг амалда қўлланилишига тўғри пропорционал бўлади. Билимларни ўзлаштириш таълим тизими орқали амалга оширилади.

Таълим жараёнида асосий фаолият кўрсатувчи шахс – ўқитувчи ҳисобланади. Ўқитувчи фаолияти Янги ижтимоий маъно касб этади. Бу фаолият ахборот жамиятини кўп жиҳатдан белгилайди.

Ўз ривожланишининг ахборот босқичига ўтишда жамият таълим олдида қўйган вазифаларни амалга ошириш учун педагогик фаолиятни такомиллаштириш зарур. Педагогик маҳорат ижодий фаолиятнинг энг мураккаб турларидан биридир. У ҳозирги илмий билимларнинг жуда катта тўпламига таянади, мустақил фикрлаш ва хулқ-атвор маданиятини тақозо этади. Педагогик фаолиятда Фан ва маданиятни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш учун педагогнинг илмий-маданий салоҳиятини узлуксиз бойитиб бориш зарур. Шу

боис ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш уларнинг компьютер билимларини тизимли ўзлаштириш, чет тилларини ўрганиш, педагогик семинар ва тренинглари ташкил этиш, ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашиш, даврв суҳбати ва кенг муназаралар ташкил этиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан биргаликда таълим тизимини ўзлаштиришга асосланган алоқа усули сифатида шакллантириш билан боғлиқ ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Педагогик жараён марказига айнан билиш жараёнлари қўйилиши лозим. Материални баён этиш эмас, балки мультимедия билан ишлашда тўғри йўналишини белгилаш ўқитувчининг бош вазифасига айланади. Ахборот технологиялари олий ўқув юрглари маънавий-маърифий, маданий ва илмий марказлар билан бирлаштиради, таълимга индивидуал ёндашувни ҳамда фаолиятмаромин таъминлаган ҳолда компьютер таълим дастурларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Интернет тизими орқали турли маълумот базаларига – кутубхоналар, музейлар ва ҳоказоларга уланиш мумкин. Электрон дарсликлар, луғатлар ва қомуслар тузилди, масофадан туриб таълим олиш ҳамда билимларни текширишнинг компьютерлаштириш имконияти пайдо бўлди.

Таълимда замонавий ахборот технологияларини қўлланилиши таълимнинг ахборотлашуви жараёнида педагогик маҳоратни ошириш зарурияти фаол ривожланаётган педагогик информатиканинг шаклланишига туртки бўлди. Мазкур стратегик вазифалар билан бир қаторда, педагогик информатика тактик йўсиндаги вазифалар-таълимни ахборот билан таъминлаш, Янги технологиялар негизида индивидуаллаштирилган таълим методикасини ишлаб чиқиш, ўқувчи ва талабаларнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш ва такомиллаштириш вазифаларини ҳам ҳал қилади.

Юқорида баён қилганларимиздан маълум бўладики, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашимиз учун биз таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялар ҳамда замонавий ахборот

технологиялардан фойдаланишни мустақкам ўзлаштирилишига эришмоғимиз даркор.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятнинг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т., 2017
2. Абдувалиева М.И. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг касбий мослашувини шакллантириш ва ривожлантириш. Пед фан. номз. дис. автореф. Т.: 2008.
3. Абдуллаева К.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари. Пед. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент. – ТДТУ. - 2006.
4. Авезов Ш. Касб-ҳунар коллежларда амалий-касбий таълим методикаси. Ўқув методик қўлланма.1,2,3 қисмлар. - Тошкент.: Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, 2003 – 150
5. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.